БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Средазмеханизация» трестига қарашли 18-механизация колоннасининг коллективи куни-кеча меҳнатда яхши зафар қучди. Колонна ишчилари юбилей йили ярим йиллик топшириғини муваффақиятли бажардилар. Шу давр ичида пландаги уч миллион етти юз тўқсон минг сўмлик ўрнига уч миллион тўққиз юз эллик олти минг сўмлик иш бажарилди.

Коллектив аъзолари юбилей йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун мусобақани ҳар қачонгидан ҳам қизғинлаб юбордилар. Шу кунларда улар 3-квартал ҳисобига ишламоқдалар.

ИЮЛЬ ҲИСОБИГА

Пойтахтимиздаги 3-қурилиш трестининг бошқарувчиси Л. Пикмандан телефон орқали қуйидаги хушхабарни олдик:

— Трест коллективи ярим йиллик топшириқни муддатидан ўн саккиз кун илгари бажарди. Йил бошидан буён 19.830 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ой охирига қадар қурувчилар уй-жой массивининг пойдеворини тайёрлаш мажбуриятини олишди. Қўйлиқ —3 массивида тайёрланадиган бу пойдевордан ташқари, Болгар даҳасида туғруқхона, Пролетар кўчасида саксон квартирали уй қурилади. Сергели базасида кукерсоль установкаси фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, қурувчи ва пардозловчилар 1-уйсозлик комбинати ходимларининг кичкинтойлари учун қурилаётган икки юз саксон ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ

— Бошқармамиз коллективи юбилей йили мажбуриятини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ярим йиллик планни 10 июнда бажарди, — дейди 6-қурилиш трестига қарашли 27-бошқарма бошлиғи Ю. Аҳмедов. — Беш пудрат плани бўйича 2.788 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу планга нисбатан олти юз уч минг сўм кўп демакдир.

Ишда В. Кузнецов, С. Горбунов, Ғ. Қоратоев ўртоқлар бошчилик қилаётган комплекс бригадалар намуна кўрсатишмоқда. Бу коллективлар қурилиш-монтаж ишлари суръатини ошириш билан сифатни яхшилашмоқда.

Бошқарма коллективи ўз имкониятларини ҳисобга олиб июль ойига қадар беш юз минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олди. Июнь ойида Чилонзорнинг Д —16 кварталида планга қўшимча бир юз олтмиш икки квартирали йирик панелли уй қурилади.

БЕЖИРИМ МЕБЕЛЛАР

Шаҳримиздаги 1-мебель фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ошиб боряпти. Бу ерда мебелларнинг бежирим ва сифатли бўлишига катта эътибор бериляпти.

Мебелсозлар юбилей йили топшириқларини шараф билан бажариш учун курашиб, мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Цех ва участкалар ўртасида авж олаётган бу мусобақа ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Буни фабрика коллективининг ўтган ярим йил ичида қўлга киритган меҳнат зафаридан ҳам билиш мумкин. Мебелсозлар юбилей йили биринчи ярим йиллик топшириғини муддатидан ўн саккиз кун олдин адо этдилар. Ярим йил ичида бир миллион бир юз ўттиз бир минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ой охиригача эса келаси квартал ҳисобига бир юз саккиз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга қарор қилинди.

Фабрика коллективи шаҳримиздаги кўпгина олий ўқув юртларининг буюртмаларини ўз вақтида адо этишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда, улар Тошкент Давлат университети аудиториялари учун столларнинг дастлабки қисмини тайёрлаб бердилар. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг буюртмаси ҳам бажарилаяпти. Ана шу иккала олий ўқув юрти учун яқин кунлар ичида бир минг тўрт юз ўринга мўлжалланган столлар ишлаб чиқарилади.

Эркин Саъдуллаев шаҳардаги рўзғор холодильниклари заводининг йиғувчи слесарларидан биридир. Бу зарбдор ишчи ўзининг ойлик ва смена топшириқларини 120-130 процент адо этмоқда. Унинг йиллик топшириқни бажарганига ҳам анча вақт бўлди.

СУРАТДА: Эркин Саъдуллаев.

М. Нуриддинов ва И. Шоиногомов фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

19 5-йил чиқиши. ИЮНЬ 1970 й. ЖУМА № 143 (1211). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

«Ўртоқ» кондитер фабрикасида тайёрланаётган ширинликлар дастурхонимиз зийнати бўляпти. Фабрика коллективи аҳолининг талабига мос бўлган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш учун бутун имкониятини ишга солмоқда. Қандолатчилар юбилей йили топшириқларини ҳам шараф билан адо этишмоқда. 16 июнь куни эса улар ярим йиллик топшириқ бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Шу давр ичида пландаги ўн бир миллион уч юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Фабрика коллективининг техника-иқтисодий жиҳатдан қўлга киритган ютуғи ҳам салмоқлидир. Шу йилнинг биргина беш ойи ичида планга қўшимча равишда бир юз икки минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ярим йил мобайни тўпланган жамғарма эса икки юз эллик минг сўмни ташкил этди.

Республикамиздаги илғор саноат корхоналари коллективларининг беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан бошланган ватанпарварлик ташаббусига қўшилган корхона коллективи зиммаларидаги планни муддатидан илгари адо этишга ва йил охиригача планга қўшимча равишда тўрт юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ

Карл Маркс кўчасида янги озиқ-овқат магазини аҳолига савдо хизмати кўрсата бошлади.

Бундан ташқари «Янгиобод» массивида ҳам катта озиқ-овқат магазини эшиклари очилади. Ҳозир унда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Икки қаватли магазинда йигирма беш хонадим ишлайди.

● *Ҳамшаҳарлар, сизлар учун*

МАДАНИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНАДИ

Пойтахт меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида шаҳар маданият бошқармаси бир қанча тадбирларни амалга оширди. Маданият ва истироҳат боғларида турли ҳил кечалар, учрашувлар, оммавий сайллар бўлиб ўтяпти. Тельман номли истироҳат боғида 3 июндан бошлаб, «Ёш истеъдод эгалари» циклида кечалар ўтказила бошланди. Бу кечалар ёш хонанда ва созандалар ижодига бағишланган. Шанба ва якшанба кунлари барча истироҳат боғларида медицина ходимларининг Бутуниттифоқ кунига бағишланган оммавий сайллар ўтказилади. Бу сайлларда маданият уйларининг ҳаваскорлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар, илғор медицина ходимлари билан учрашувлар бўлади.

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-9» космик кемасининг экипажи орбита бўйлаб ўн олтинчи сутка учиб юрибди. Кема 17 июнь Москва вақти билан соат 13—45 минутгача Ер атрофини 253 марта айланиб чиқди. Шу вақтгача Андриян Николаев билан Виталий Севастьянов орбита бўйлаб 375 соат учдилар.

Космосда ўн олтинчи иш куни 17 июнда эрталаб соат учда тамом бўлди. Космонавтлар шу куни программага мувофиқ илмий ва медицина экспериментларини бажардилар.

Андриян Николаев билан Виталий Севастьянов кун бўйи Ернинг устини кузатиб турдилар ва баъзи бир булут пайдо бўлишини ҳамда геология нуқтаи назаридан паст текислиги характерли бўлган районларни фотосуратга олдилар.

Космонавтлар Николаев билан Севастьянов радио алоқа сеанслари пайтида кузатиш натижаларини маълум қилдилар. Ўрта денгизнинг ороллари ва соҳил чизиқлари, Қрим ва Кавказнинг Қора денгиз соҳиллари, Волга дарёсининг ўзани, Ғарбий Сибирь районлари кўзга яққол ташланиб турди. Космонавтлар ана шу районларда жойлашган шаҳарлар: Афинани, Истамбулни, Ялтани, Сочини, Астраханни ва бошқа шаҳарларни равшан кўриб турдилар.

Николаев билан Севастьянов Қозоғистон ва Ғарбий Сибирь устидан учиб ўтишар экан, булут қатламининг зичлиги аста-секин кучайганлиги ва Новосибирск районида циклон ҳосил бўлганлиги тўғрисида хабар бердилар. Космонавтлар терминатор орқали Ернинг қоронғи томонига ўтгач ойнинг ёруғлигида булут пайдо бўлишини яққол кўрдилар.

Андриян Николаев билан Виталий Севастьянов иш кунининг бошида ва охирида медицина экспериментларини бажардилар.

Космонавтлар кун давомида соғлиқларининг аҳволини ўзаро медицина контролидан ўтказдилар. Артериал босимни ўлчаб кўрдилар, томир уриши ва нафас олишни қайд қилдилар.

17 июнь Москва вақти билан соат 11 да Андриян Николаев ва Виталий Севастьяновнинг навбатдаги иш куни бошланди. Кема командири радио алоқанинг биринчи сеанси вақтида дам олишдан кейин космонавтлар ўзларининг яхши ҳис қилаётганликларини, экипаж кунининг программасини бажаришга киришганлигини хабар қилди.

«Союз-9» космик кемасининг учиши давом этмоқда.

МАМЛАКАТНИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

Шаҳар товар станциясига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан юк ортилган поездлар келиб турибди.

БУГУН

станция ходимлари Харьков шаҳридаги ва бошқа автомобилсозлик корхоналари юборган 20 та автобус 100га яқин енгил машина ва таксиларнинг катта партиясини қабул қилиб олишди.

«Ташхозкультторг» базаси адресига юзга яқин контейнерда ранг-баранг сифатли мебеллар келди. Шунингдек, «Узхозкультторг» базаси пианиноларни олди.

ТОШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Кеча Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ мамлакатимизга расмий визит билан келган Швеция Бош министри Улоф Пальме билан учрашди.

✦ Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан 17 июнда Москвага келди.

✦ 18 июнда Тошкентда Ўзбекистон матлубот кооперацияси вакилларининг XIII съезди очилди. Қишлоқ савдо ходимлари, тайёрлов тармоқлари ходимлари кўп минг қишлоқ отрядининг вакиллари — делегатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар залини тўлдиришди.

✦ Ўзбекистон ССР нинг ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси лойиҳаси тузиш юзасидан бир неча ойдан бери олиб борилаётган катта иш поёнига етказилди. Шу муҳим ҳужжатни тайёрлашда республика маъмурий органлари билан илмий муассасаларнинг ходимлари қатнашди.

✦ 17 июнда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-349» учирилди.

ЗИЁРАТГОҲ ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ

Шаҳримизнинг «Марказ-7» кварталидаги Титов кўчасида табаррук зиёратгоҳ бор. У ерда ўн тўрт Туркистон комиссарининг қони тўкилган. Бу зиёратгоҳдан одамларнинг қадами аримайди. Шаҳар обод-донлаштириш бошбошқармаси зиёратгоҳ атрофини янада кўркамлаштириш ғ а қарор қилди.

БУГУН

«Гордорстройремонт» трести қурувчилари бу ерда бульвар барпо қилишга киришдилар. Икки ой ичида гулзорлар, хиёбонлар, ҳовузлар бунёд этилиб, соябонли скамейкалар ўрнатилади. Зиёратгоҳ янада кўркам ва жозибали бўлади.

СТУДЕНТЛАР ПОЛИКЛИНИКАСИ

Студентлар шаҳарчасида махсус поликлиника биноси тайёр бўлди. Уни 6-қурилиш трестининг азаматлари барпо қилишди.

Яқин ҳафталарда очиладиган шифобахш даргоҳ бир неча бўлимдан иборат бўлиб, улар совет медицина техникасининг янги аппаратлари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Юзга яқин медицина ходими ишлайдиган студентлар поликлиникаси кунига икки юз эллик кишини қабул қилади.

ТЕЛЕФОНДА: ЮРАК УРИШИ

Бу ғалати янгиликни шаҳар «Тез ёрдам» станцияси ходимлари анча вақтдан буён синовдан ўтказишди. Электрокардиограмма аппарати «Тез ёрдам» машинасига ўрнатилиб, беморнинг ҳол-аҳволи ҳақида жойдан хабар бериб туради. Яъни юракнинг уришини, унинг кўриниш-ҳаракатини телефон орқали касалхонага узатади.

Бу методни ўрганиш учун ҳамшаҳар «тез ёрдам»чилар Каунас ва Ереван шаҳарлари шифокорлари ҳузурига бориб келишди.

Ҳозир электрокардиограмма аппарати Сергели райони, 2-туғруқхона ва «Қизил Ўзбекистон» колхозида ўрнатилди.

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

Куни-кеча, Ҳамза районидаги «Октябрь 40 йиллиги» кўчасида маиший хизмат уйи ишлай бошлади. Шунингдек, пойтахтнинг Калинин майдонида улкан маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси қурилиши бошланди. Унта йирик павильонда аҳоли учун ҳар хил юмушлар бажарилади.

● ТОШКЕНТ—ДОҒИСТОНГА

«Ўзбекистон» маҳалласи

- ДОҒИСТОНДА «ЎЗБЕКИСТОН» МАҲАЛЛАСИ.
- ДӮМБОҚЛАР УЧУН БОҒЧА.
- ОЛТИ МИНГ КИШИЛИК ЖАМОАТ МАРКАЗИ.

Қардош Доғистонда бўлган зилзила оқибатларини тугатишда Совет Иттифоқининг барча республикалари ёрдам қўлларини узатмоқдалар. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг қарорига биноан, Доғистонда Ўзбекистон маҳалласи қуриб берилади.

Шу муносабат билан, тошкентлик қурилиш мутахассисларидан бир группаси қардош Доғистонда бўлиб, олиб бориладиган бўлажак ишларга доир маълумотларни ўрганди. Мутахассислар орасида «Ташпроект» институтининг директори Т. Б. Шахсуварян ҳам бор эди. У мухбиримизга сафар натижалари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

—Биз дўстлар диёрида бир неча кун бўлиб, зилзила келтирган вайронликларни кўрдик. Автоном республиканинг меҳнаткашлари табиий офатни мардлик билан енгишга бел боғлашган. Ҳамма жойда меҳнат қайнамоқда.

Бу ўлкага мамлакатимизнинг ҳамма томонидан ёрдам келмоқда. Халқ хўжалиги, қурилиш учун зарур бўлган материаллар пешма-пеш етказиб берилмоқда. Биз у ерда Ўзбекистон маҳалласининг қурилиши билан боғлиқ вазифаларни белгиладик. Махачкала шаҳар ижроия комитетида, архитектура бошқармасида бўлажак маҳалланинг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Институтимиз коллективи тайёрлаётган лойиҳа тафсилотлари дўстларга манзур бўлди. Улар лойиҳада эътиборга олинган барча маҳаллий шароитлар, яратиладиган қулайликларни маънунлик билан қайд этдилар.

Бўлажак «Ўзбекистон» маҳалласи архитектура ва қурилиши бўйича жуда ҳам чиройли, баҳаво, кўркам бўлади. Лойиҳада кўрсатилишича, ҳар бири беш қаватли бўлган ўнта уй бунёд этилади. Бу уйларнинг қулайлиги шундаки, улар тоғ ҳавоси ва шароитларига мўлжалланган. Масалан, секциялардаги хоналарнинг баландлиги икки метру 70 сантиметрга етказилади, коридорлар бир мунча кенгайиб, балконлар ҳажми катталаштирилади.

Кичкинтойлар учун ҳам қулай шароитлар яратилади. 280 ўринли болалар боғчаси маҳалла марказида қурилади.

Булардан ташқари, аҳолининг узоғини яқин қилиш ҳам ҳисобга олинган. Жамоат марказида бир йўла олти минг кишига озиқ-овқат, хўжалик, саноат моллари билан савдо қилинади.

Шу куиларда, институтимизда лойиҳа жадаллик билан ишланмоқда. Дастлабки уйнинг ҳужжатлари келгуси ойнинг бошларида Махачкалага юборилади. 20 минг квадрат метрдан иборат «Ўзбекистон» маҳалласи Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг ёркин тимсоли бўлиб қолади.

ФИНАЛДА БРАЗИЛИЯ—ИТАЛИЯ

Мексикада ўтказилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг охирги ўйини қолди. Бу ўйин 21 июнда Ацтека стадионида ўтказилади. Бунда Бразилия Италия терма командаси билан учрашади. Бир кун олдин эса учинчи ва тўртинчи ўринлар учун ГФР ва Уругвай командалари ўйнайди. «Олтин маъбуда» кимга насиб бўларкин. Лотин америкаликларгами ёки европаликлар г а ми? Қай бир команда «Олтин маъбуда»ни олмасин уни ўзининг шаҳрига бутунлай сақлаш учун олиб кетади. Бразилияликлар ҳам, италияликлар ҳам бу «Олтин маъбуда»ни икки мартадан олишга сазовор бўлишган.

Бразилияликлар ярим финалда Уругвай командаси устидан 3:1 ҳисобида ғолиб келишган бўлса, италияликлар ГФР командасини 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Бразилияликлар биринчи таймда 1:0 ҳисобида уругвайликларга ютқазиб турган эдилар. Ўйин тугашига оз вақт қолганда улар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Иккинчи таймда эса бразилияликларнинг устунликлари остида ўтди. Улар бу қирқ беш минутда рақиблари дарвозасига яна икки тўп киритиб, финалга чиқдилар.

Италянлар эса Германия Федератив Республикасининг дарвозабонини еттинчи минутда дарвозасидан тўпни олиб чиқишга мажбур қилдилар. Бу ҳисоб ўйиннинг саксон тўққизинчи минутигача сақланди. Лекин охирги дақиқада ГДР ҳимоячиси Шнеллингер рақиблари дарвозасига тўп йўналтириб ҳисобни тенглаштирди. Шундан сўнг перулик судья қўшимча ўттиз минут вақт тайин қилди. Бу минутларда ҳар иккала команда юқори савияда ўйнаб, чиройли комбинациялар қилиб, бир-бирларининг дарвозалари олдида тез-тез хавфли вазият тугдирди. Тўқсон тўртинчи минутда ГФР-нинг ҳужумчиси, жаҳон чемпионатининг бомбардири Мюллер командасини олдинга олиб чиқди. Тўрт минут ўтар-ўтмас Бургнич ҳисобни тенглаштирди. 103 минутда италиялик Рива учинчи тўпини киргизди. Шундан сўнг Мюллер ҳисобни яна тенглаштирди. Итальян ҳужумчиси Ривера эса чиройли тўп уриб команда-сини олдинга олиб чиқди.

Ҳа. 4:3 ҳисоби билан италянлар ГФР терма командаси устидан машаққатли галабани қўлга киритиб, финалга чиқдилар.

Чет эллардa

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ФАКТЛАР

ЧЕХИЯ ҲУКУМАТИНИНГ АХБОРОТИ

ПРАГА, 17 июнь. (ТАСС). Чехия Социалистик Республикасининг ҳукумати қаттиқ жала натижасида жанубий Моравиядаги «Дукла» шахтасида 9 июнда рўй берган ўпирилиш муносабати билан ахборот эълон қилди. Ўпирилиш вақтида ер тагида ишлаётган 110 кончидан 34 таси ер устига чиқаолмаган. ЧТК агентлиги тарқатган ахборотда яна бундай дейилади: Қутқарувчи командаларнинг зўр бериб қилган ишига ва ГДР, Польша, Совет Иттифоқидан етиб келган мутахассисларнинг ёрдамига қарамай, ер остида қолган кончиларни қутқариб қолишнинг иложи бўлмаган.

Чехия ҳукумати қурбон бўлган кончиларнинг оиласига ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилган.

НОРОДОМ СИАНУКНИНГ КХДРДА БЎЛИШИ

ПХЕНЬЯН. 17 июнь. (ТАСС) Корея Марказий телеграф агентлиги Пхеньянда Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен билан Нородом Сианук ўртасида музокара бўлиб ўтганлиги тўғрисида хабар беради. Агентликнинг таъкидлаб ўтишича, музокаралар вақтида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинган.

ВЬЕТНАМ Демократик Республикаси. Хонгай кўмир ҳавзаси кончилари кўмир қазиб чиқаришни тобора оширмоқдалар. Бу ишда уларга Совет мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Суратда: шахтадан механизациялашган транспорт ёрдамида кўмир ер юзига олиб чиқилмоқда.

В. СОБОЛЕВ фотоси.

● ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Яхши кўрсаткичлар

Партия сиёсий маорифи шахобчаларида ҳар бир машғулотни таъсирли, тингловчиларга тушунарли қилиб ўтказиш пропагандистдан катта тажриба, тадбиркорлик билан иш кўриш, ўз сиёсий билимини тўхтовсиз ошириб боришни талаб қилади. Ана шуларга қатъий амал қилган ташвиқотчининг машғулотлари тингловчилар томонидан зўр қизиқиш билан тингланади, уларда чуқур таассурот қолдиради.

Р. Довидов ҳамиша изланувчи, ҳар бир машғулот материалини тингловчининг пухта ўзлаштириб олишига астойдил ҳаракат қилувчи жонкуяр пропагандистлардан. У кўп йиллардан буён 159-қурилиш трестининг ўттизинчи бошқармаси қошида ташкил этилган марксизм-ленинизм мактаби тингловчилари билан машғулот олиб боради. Бошқарма коммунистлари, партиясиз активлари бу мактаб машғулотларига зўр активлик билан иштирок этишди. Улар юбилей ўқув йилида, асосан, доҳиймиз В. И. Ленин асарларини, унинг улкан таълимотини қизиқиш билан ўрганишга бутун куч-ғайратларини аямадилар.

— Биз,— дейди пропагандист Р. Довидов,— якунловчи машғулотларга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келдик. Ўз навбатида тингловчиларнинг намунали ҳозирлик кўришлари учун ҳам зарур бўлган барча шарт-шароитларни муҳайё этиб бердик. Бу ўз самарасини кўрсатмай қолмади. Тингловчиларимиз В. И. Лениннинг «Совет давлатининг навбатдаги вазифалари», «Материализм ва эмпириокритицизм», «Бир қадам олга, икки қадам орқага» каби асарлари юзасидан имтиҳон топширдилар.

Якунловчи машғулотларда тингловчилар активлик кўрсатишди. Ҳар бир тингловчи доҳиймиз асарлари юзасидан берилган саволларга ҳар томонлама мукаммал жавоб қайтарди. Бундан ташқари, улар ўқув йили давомида олган билимларини амалий иш билан чамбарчас боғлаб борганликларини намойиш қилдилар. Бетончилар бригадасининг бошлиғи И. Абдуллаев, ғишт терувчи Н. Шайдуллин, комплекс бригаданинг етакчиси А. Раҳматов, прораб А. Одилов каби ўртоқларнинг берган жавобларидан кўпчилик мамнун бўлди.

ЙЎЛЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ОЙЛИГИ

ҚАРШИ. Қашқадарё областида жадал суръат билан йўл қуриш ва ремонт қилиш ойлиги тугади. Ана шу вақт мобайнида ер полотноси тўкиш ва ана шу йўлларга шағал солиш йиллик программасининг учдан бир қисмидан зиёдроғи бажарилди. Область йўл тармоқларига 70 километрдан зиёдроқ янги трасса қўшилди. 240 километрдан ортиқроқ автомагистрал янгиланди ва реконструкция қилинди.

(ЎзТАГ).

Беш йиллик вахтасида

ФИРМА ЮЛДУЗЛАРИ

Шаҳримиздаги трикотаж фирмасининг меҳнатсевар коллективи ярим йиллик топшириқларини бажариш арафасида турибди. Ярим йиллик планнинг бажарилишига фирма пешқадамлари муносиб ҳисса қўшаётирлар. Мана бу фотолавҳаларда баракали меҳнат қилаётган корхона илғорлари акс этган. Яқинда «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланган Марям Шарафиддиновани тўқув цехининг ёш ишчилари устоз деб биладилар. (Юқоридаги суратда Марям Шарафиддинова). Ўнинчи синфни тамомлаб келган, комсомол аъзоси Қумри Иброҳимова корхона ёш ишчилари вакилидир. У ҳам ўз топшириқларини сидқидиллик билан адо этяпти.

Коммунист Рихси Бозорбоева тикув цехи техника контроли бўлимининг ишчан контролёри. Етти йилдан буён унумли меҳнат қилаётган бу меҳнаткаш аёл куни кеча фирма қошидаги 26-кечки ишчи ёшлар мактабининг ўн биринчи синфини тамомлади.

М. Нуриддинов ва И. Шоннағомов фотолари.

ЯНГИ ИРРИГАЦИЯ ҚУВВАТЛАРИ

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг коллективи капитал қурилиш ярим йиллик программасини муддатидан илгари бажарди. Пландаги икки минг гектар ўрнига 5,8 минг гектар янги ер ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилди. 11 минг гектар майдон мелиоратив жиҳатдан яхшиланди. Бу ҳам топшириқда кўзда тутилганидан ортиқ. Қорақалпоғистондан ташқари, барча областларнинг сув хўжалик ташкилотлари олти ойлик планни бажардилар. Самарқанд область суғориш системалари бошқармаси ходимлари катта муваффақиятга эришдилар.

Министрлик қурилиш ташкилотларининг коллективи янги ирригация қувватларини ишга тушириш юзасидан йиллик топшириқни 15 декабргача бажариш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШ ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕССОРЛИ УЙЛАР

Ҳисобларга кўра, планетамизда йилига 300 минг мартадан кўпроқ ер қимирлаб туради. Қаттиқ ер қимирлашлар нисбатан оз бўлсада, ҳар холда асримиз бошидан буёнги даврда ҳар йили ўрта ҳисоб билан 15 минг киши шу офат билан ҳалок бўлди. Кўрилган зарар эса юз миллион сўмлаб ўлчанади.

Амалда, ер қимирлашнинг олдини олиб бўлмайди, уни тўхтатиш ҳам мумкин эмас. Олимлар ер қачон қимирлашини олдиндан айтишни ўрганиб олганларича йўқ. Бироқ, ер қимирлашлар мумкин қадар хавфсиз бўлиши учун кўп иш қилинган. Ер юзида 400 дан ортиқ сейсмик станция ишлаб турибди. Улар энг сезгир асбоблар билан жиҳозланган бўлиб, планетанинг «нафас олиши»ни кузатадилар. Станциялар ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Энг пухта кузатишлар сейсмик жиҳатдан жуда хавфли бўлган жойларни аниқлаш имконини беради.

Франциянинг Страсбург шаҳрида эса Марказий халқаро сейсмология бюроси ташкил қилинган. Бюро ҳар йили 2000 бет ҳажмда бюллетень чиқариб, унда бир йил ичида рўй берган зилзилалар ҳақида маълумот берилади. Халқаро сейсмология хизмати эса энг кучли зилзилаларни ўрганиш билан шуғулланади. Ана шу тадқиқотларнинг натижалари ернинг ички тузилишини ўрганиш имконини беради. Шунингдек, улар у ёки бу жойда тўғон, электр станцияси, завод ёки шаҳарни қуриш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда тўла ҳисобга олинади.

Тажриба шуни кўрсатадики, табиий офат вақтида кишилар зилзиланинг ўзи туфайли эмас, балки уйжойларнинг нотўғри қурилганлиги сабабли халок бўладилар. Сейсмик тебранишлар деворларнинг пастки қисмига таъсир қилиб, уни жойидан қўзғатади натижада девор ағдарилади.

Япон қурувчи инженери Татю Найто қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлган. Темир йўл вокзалида унинг чемодани беҳосдан ерга тушиб, ажралиб кетган. Шунда инженер бошқа бир чемодан сотиб олади. Девор билан бир неча бўлакларга ажратилган бу чемодан ҳар қандай кучли зарбаларга чидаган, ўз шаклини ҳам ўзгартирмаган. Сўнгра Т. Найтода узунасига ва ёнига темир-бетон плитлари билан боғланган бино лойиҳасини ишлаб чиқиш фикри туғилади.

Сейсмик жиҳатдан чидамли бинолар қуришда унинг элементлари бир-бирига боғланиб қуриладики, бу уларнинг мустаҳкам ва бир бутунлигини оширади. Натижада зилзила вақтида турар-жой биноларига ҳеч бир шикаст етмайди. Бино замини қанчалик мустаҳкам бўлса, сейсмик тебранишлар заминга шунчалик кам таъсир қилади, лекин баъзи бир бинолар бунда шикастланади.

Нима қилиш керак ? Бу ишда автомашиналардагига ўхшаб амортизатордан фойдаланиш мумкин эмасмикан? Совет қурувчи инженери Ф. Д. Зеленьков бу ҳақда кўп йиллар давомида бош қотирди. Бино деворларининг ер билан туташган жойи юмшоқ эгилувчан бўлса, бинонинг ўзи омон қолади, бунда ер сейсмик тўлқинларни ўзига ютади.

Бу дадил фикр аввал лойиҳада, сўнг конструкцияда ўз аксини топди. Шунга мувофиқ қурилган бинони эндиликда фақат Туркманистон пойтахтининг марказий магистралидагина қўриш мумкин.

1948 йилдаги зилзила туфайли вайрон бўлган Ашхабод энди таниб бўлмас даражада ўзгарган, унда табиий офат излари кўринмайди. Сейсмик жиҳатдан пишиқ уйлар қуриш соҳасида дастлабки тажрибалар мазкур шаҳарда орттирилди.

Озодлик проспектидаги 25-уй ён-атрофидаги турар жой биноларидан деярли фарқ қилмайди. Ҳолбуки, бу бино рессорли пўлат стерженлар устига ўрнатилган. Бино остида рессорларни кўриш мумкин. Сейсмик зарбалар энди бино деворларига эмас балки рессорга келиб урилади. Рессорнинг юқори нуқталари ер сатҳи билан баравар бўлиб, пасткилари бўшлиқда муаллақ туради. 1960 йили Ашхабодда 5—6 балли куч билан ер тебранганида бу уйда яшовчи кишилар ҳатто уни сезмаганлар ҳам, холбуки, бошқа уйларда зилзила анча яхши сезилган.

Д. Зеленьковнинг фикрича, бундай уйлар кўплаб қурилган вақтда уларга сарфланадиган маблағ одатдагидан атиги 5—7 процент қимматга тушади, холос. Лекин рессорлар биноларни зилзиладан емирилишидан, қурбонлардан асраб қолади, уларни қайта қуриш ёки тиклаш учун сарфланадиган қўшимча ҳаражатлардан ҳалос қилади.

Маълумки, сейсмик жиҳатдан ҳавфли зоналарда уйлар одатда уч қаватдан ошмайди. натижада шаҳарлар атрофга қараб кенгайиб боради. Янги усул эса бемалол беш, олти ва етти қаватли бинолар қуриш имконини беради. Фикримизча, Тошкентда ҳам шундай рессорли бинолар қуриш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Н. СУЛТОНОВ,
бинокор-инженер.

«Ташинжстрой» трести 6-механизация бошқармаси қурувчилари «Марказ —6» микрорайонида қардош Болгария бинокорлари қураётган мактаб атрофини ободонлаштиришга киришдилар.

СУРАТДА: механизатор В. Савельев ва прораб Л. Пушкарев.

ОЛИМНИНГ ТУҲФАСИ

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагог и к а фанлари кандидати Саъдулла Исматов кўп йиллардан бери улкан санъаткор Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини мактабда ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган эди. Ана шунинг маҳсули сифатида у «Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш» номли илмий-методик қўлланмасини яратди.

«Ўқитувчи» нашриёти педагог олимнинг бу қўлланма китобчасини чоп этиб, кўп сонли ўқитувчиларга ҳадя этди. Китоб икки асосий қисмдан иборат бўлиб, «Абдулла Қаҳҳорнинг асарларини саккиз йиллик мактабда ўрганиш», «10-синфда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш» боблари ва яна бир қанча кичик темаларни ўз ичига олади.

Методик қўлланмани кенг жамоатчиликка манзур бўларли ва ўқитувчилар қўлида нуфузли манба бўлиб хизмат қиларли даражада тайёрланган.

Мактаб таълимида янги ўқув программасига кўчилаётган бир шароитда бу қўлланманинг нашр этилиши, айниқса, ёш ўқитувчиларни хушнуд этди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ПОЧТАСИДАН

БЕШҚАЙРАҒОЧ ТАШВИШЛАРИ

Ўтиб бўлмас қўчалар

Давримиз ниҳоятда тезкор. Бирон бир жойга бир-икки ой сафарга бориб келгунча сен кўриб юрган жойлар таниб бўлмайдиган тарзда ўзгариб қолмоқда.

Мана мисол: ЦУМнинг ёки Тошкент меҳмонхонасининг атрофини бундан уч ой олдин кўрган одам таний оладими? Қийин албатта. Ёки бундан уч йил олдинги «Жар кўча» даҳаси қани? Булар ўрнида Ц-13 квартали бунёд бўлди. Қайта яшараётган Тошкентимизда бундай мисолларнинг саноғи йўқ. Аммо 1965 йилда пайдо бўлган Бешқайрағоч массивини улар қаторига қўйиш қийин.

Массивдаги Тўқимачи, Шароф каби кўчалар тўла очилмаган. Кўп жойлари ўйдим-чуқур бўлиб ётибди. На йўлка қилинган, на асфальт. Қиш кунлари бу ерда яшовчи хонадонлар машинада бирон бир юк олиб келишга ниҳоятда қийналади. Ўтин-кўмири тугаб қолса ҳолига вой! Газ эса бу ёққа келиш учун Назарбекка кетадиган кўчани кесиб ўтишга журъат қилолмай турибди.

Тўқимачи кўчанинг Назарбекка кетадиган йўл билан кесишган жойида бир хонадон кўндаланг бўлиб турибди. Октябрь массивидан келаётган машиналар уч километр наридан яъни Назарбек кўчасидан айланиб келади. Яна шу Тўқимачи кўчанинг охири Алмаий кўчаси билан учрашадиган жойида тўрт-бешта хонадон кўчани бўғиб қўйган. Қиш кунлари Акмал Икромов маҳалласидаги ўқувчилар 193-мактабга шу кўча орқали лойга беланиб, йиқилиб-сурилиб ўтади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари ниҳоятда қийналадилар.

Нега бу хонадонлар кўча очилишига йўл қўймай оёқларини тираб туришибди дерсиз!?! Район ижроия комитети ҳали улар учун етарли миқдорда жой ажратиб бермаган, ажратиб берганларга иморати ва дов-дарахти учун пул тўланмаган экан. Наҳотки уларнинг ишини Октябрь райижрокоми ҳал қилиб юбора олмаса?

Сут-қатиқ қидириб...

Бир куни Ибн Сино бир беморни кўргани борганда кўзи ҳовлидаги сигирга тушган экан. Шунда:

— Азизим, бу ерда мендан зўр ҳаким бор экан-у,— дебди.

— Эй тақсир, сиздан зўр ҳаким ким бўлиши мумкин?— ҳайратланибди бемор.

— Сигир. Унинг сут-қатиғидан зўр даво йўқ,— деган экан Ибн Сино.

Биз тилга олаётган массивда шу масала ҳали ҳал қилинмаган. Октябрь райпишчеторгининг саксон, саксон биринчи магазинлари ходимлари сут маҳсулотлари олиб келишни хаёлларига келтиришмаётир. Саксонинчи магазиннинг катта сотувчиси Зайниддин Муҳиддинов шу магазиннинг мудири Нортожи Султоновага бундан бир йил олдин «Сут қатиқ олиб келсак бўлармиди?»— деганида мудир «кўрармиз» деб қўйган эканлар.

Во ажаб... Инсон учун зарур бўлган нарсагаям шунчалик совуққонлик билан қарайдими, киши. Магазинда жанжалнинг сабабчиси, саломатликнинг эгови ароқ, вино истаганча топилади. Сут-қатиқ учун эса одамлар беш километр наридаги Кўкча бозорига бориб, бирни иккига олиб келишади.

Бу масалани магазин мудирлари ва Октябрь райпишчеторгининг раҳбарлари жиддий ўйлаб кўриши керак.

Туфлини қаерда яматамиз?

Бешқайрағоч массивида маиший хизмат кўрсатишнинг фақат кичкина, тор дўкончаси — сартарошхона бор, холос. Бошқа биронта нарса йўқ. Аҳоли туфлига мих қоқдирмоқчи бўлса ҳам саккиз километрлик Октябрь бозорига тушади.

Радио ва телевизор, соат тузатадиган устахоналар, химчистка деган гапларни ҳаёлингизга ҳам келтирмайсиз.

Киши касал бўлиб қолиши ёки кутилмаганда ўт чиқиши мумкин. Шунда энг биринчи ёрдам телефондир. Бу массивда ана шу ёрдам йўқ. Наҳотки шу маҳалларга телефон автомат симини бир амаллаб олиб келиш мумкин бўлмаса?! Ахир, массивнинг «Оқтепа» маҳалласида турувчи шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Турғун Хидировнинг уйига электр симёғочларидан-симёғочларига сим ошириб телефон ўрнатишибди-ку!

Бефарқ бўлмайлик

Одамнинг кўзини чалғитса бўлар экан-у, лекин пашшани алдаб бўлмас экан. Тўқимачи кўчадаги ахлат уюмини кўмдириб ташлаш учун Акмал Икромов маҳалласидаги шу кўчада турадиган хонадонлардан пул тўплаб бир «Белорусь» тракторини ёллашди. Трактор ҳайдовчи ҳам кўзни шамғалат қилиб, ғир этиб уёққа суриб, ғир этиб бу ёққа суриб ахлатни тупроққа қориштириб, жуфтакни ростлаб қолди. Бир қарашда «ҳа, ахлат йўқ, қилинди» деб ўйлаш мумкин. Аммо пашшанинг кўзини чалғитиб бўлмас экан. Пилт этиб офтоб чиқиши билан гувуллаб қолишди. 25 мартдан бу кўчаларга ахлат олиб кетадиган машина қатнай бошлади. Аммо баъзи хонадонлардаги бефарқ кишилар ҳали ҳам кўчага ахлат тўкишни давом эттиришмоқда.

Бу гаплар бир қарашда майда-чуйдага ўхшаса ҳам, аслида яхши турмушимизга доғ бўлиб тушаётган нуқсонлардир.

Қ. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон радио эшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг редактори.

А. АҲМЕДОВ,
С. НАЗАРОВ,
К. ОРТИҚХЎЖАЕВ,
Р. ХЎЖАЕВ,
пенсионерлар.
А. ШУКУРОВ,
Чилонзордаги 13-мактаб ўқитувчиси.
Ҳ. ҚУЧҚОРОВ,
Тошкент алоқа ва электротехника институтининг ўқитувчиси.

Беш йиллик илғорлари

Пешқадамлар

Биринчи қурилиш бошқармаси 11-баланд бинолар қуриш трестидаги йирик ташкилотлардан саналади. Бошқарма коллективи ўзига биркитилган топшириқларни тез ва сифатли қилиб бажаришда, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишда трест бошқармалари орасида олдинги ўринда бормоқда.

Бошқармада уч юз етмиш бинокор меҳнат қилади. Бундан ўттизтаси бугунги кунда коммунист и к меҳнат зарбдори деган шарафли ном эгасидир. Олти бригада эса коммунистик меҳнат бригадаси номини олган. Меҳнатда алоҳида шижоат кўрсатганлиги учун Ленин туғилган кунининг юз йиллиги байрамида бошқарманинг бир гуруҳ ишч и л а р и «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан тақдирландилар. Юксак мукофотни олишга муяссар бўлганлар орасида Р. Абибуллаев, Б. Ҳолиқов каби ғишт терувчилар бор.

Бошқарманинг Рафиқ Бозоров раҳбарлик қилаётган 4-участкаси улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Ҳозир бу участка бинокорлари авиация заводи қошида қад кўтараётган олти юз ўринли ётоқхона биноси қурилишида ишлашяпти. Участка коллективи ойлик, квартал планларини доимо орттириб бажаришга эришяптилар. Бу ўринда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган Р. Сарваров бошлиқ бригада азаматларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Дурадгор Н. Муҳаммаджонов, арматурачи В. Исоқовларнинг номи бугунги кунда ҳурмат билан тилга олинади. Улар ўзларига биркитилган план топшириқларини 140 — 150 процентдан орттириб адо этишяпти.

Бошқарманинг Н. Голубь бошлиқ йигирма саккиз бунёдкори эса СССР ташқи савдо министрлигининг республика филиали биноси қурилишида ишлашяпти. Бригада аҳли улкан бинони яқин орада қўлдан чиқариш учун курашмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

ЭПЧИЛ ҚИЗ

Танишинг, ҳамшаҳарларингиз

ОҚ САРИҚДАН келган, ўрта бўй, хушрўй қиз Клавдия Зубайловични шаҳарликлар, айниқса Ленин, Сапёрная кўчасида истиқомат қилувчиларнинг кўплари танийди. Қандай ишлари билан шунча таниқли бўла қолибди, дейсизми? Ҳозир айтиб берамиз. У ҳали ҳеч қандай қаҳрамонлик кўрсатганича йўқ. Лекин ўз постида шундай жавлон урадики, унинг эпчиллиги, уддабуронлиги, чаққонлик ва ўқувлилигига ҳамма тан беради.

Клавдия аҳолига холис қизмат қилади. Жажжи эркатойларга-чақалоқларга 1-сут фабрикаси тайёрлаб берган турли маҳсулотларни тарқатади.

Ленин районидаги 1-болалар поликлиникаси қошида сут кухняси очилганига бир неча йил бўлди. Бу қизгина шу ерда ишлайди. Фарзанднинг нақадар ширинлигини ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Фарзанд туфайли Клавдия билан учрашиб турадиган ота-оналар уни нақадар эъзозлашини тасаввур қилаверинг. Негаки, чақалоқлар ҳам, оналар ҳам ҳар хил. Бир хил оналарнинг сути етарли бўлади. Бошқалар кичкинтойни сут билан тўла таъминлай олмайди. Сут кухняси шунақада жонга аро киради. Эркатой чирқиллаб «ейман» деб турса, сиз оғзига ёқадиган бирон нарса тутмасангиз, ундан қийини йўқ.

Клавдиянинг қўлида болалар учун махсус тайёрланган кефир, қаймоқ, творог каби бир неча хил маҳсулот бўлади. Унинг ёнига эрталаб соат саккизу ўттизданоқ ота-оналар қатнай бошлайди. Клавдия рўйҳатга қараб, кимга нима тегишли бўлса зудлик билан олиб беради.

Нима бўлдию, бир куни Клава ишга чиқмай қолди. Ўшандаги тамошани кўрсангиз. Шу пайтгача унинг мижозлари бир-бирини кўпда учратмасди. Ўша куни тўпланган одамнинг саноғи йўқдек туюлди. Ҳовли тўлди, кўча тўлди одам билан.

— Шунча одам қатнар эканми, а? — дейишарди улар ажабланиб. Бунақада ишга борадиганларнинг аҳволи нима бўлади.

Ҳа, Клавдиянинг қандай ишлаши, қадри ўша куни айниқса билинди. Ахир у кухняга қатновчиларнинг ҳар бирини шахсан танийди, кимга нима кераклигини ёддан билади. Шу сабабли ҳам ҳамманинг ҳожати тезда чиқақолади.

М. ФАЙЗИРАҲМОНОВА.

Ижодий союзлар уйи

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР



Гўзал диёримиз пойтахти Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, чиройга чирой қўшилиб боряпти. Шаҳримиз дейрли янги замонавий бинолар билан қайта қурилди ва қурилмоқда. Шаҳарда 19 қаватли маъмурий бино, ёшлар уйи, 11 қаватли меҳмонхона ва катта ҳажмдаги бир неча корпуслардан иборат бинолар «Пахтакор» стадиони ёнида қад кўтармоқда. Ўрта Осиёда ягона ва жуда катта ҳажмдаги «Осиё» ресторани шаҳар марказида бунёд этилянти.

Мана бу расмда эса Тошкентимизда қурилажак улкан яна бир бино тасвири акс этган.

Республикамиз фан ва маданиятининг бетўхтов ривожланиши натижасида барча соҳаларда ижодий бирлашмалар ташкил этилганки, бу бирлашмалар ҳар қайси ўз ижодий ходимларининг иш фаолиятини идора этишда асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Тошкентлик архитекторлар Москва архитекторлари билан биргаликда республика ижодий бирлашмалар уйи лойиҳасини яратишга аҳд қилишди. Иттифоқимизда бундай бино биринчи марта қурилаётгани сабабли жуда кўп изланиш ва меҳнат талаб этди.

Ниҳоят, Тошкент ва Москва бинокор лойиҳачилари ҳамкорликда улкан бино — ижодий союзлар уйи лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу лойиҳа яқинда тасдиқланди.

Ижодий союзлар уйи шаҳримизнинг Шайхантоур даҳасида Юнусхон мақбарасини ўз ичига олган ҳолда катта ансамбль бўлиб тушади.

Архитекторлар ўз олдиларига қўйилган вазифани гўё адо этгандек сезсаларда, лекин янги комплекснинг асосий яратилиши катта ижодий меҳнат, тунни-кунга улаб меҳнат қилиш онлари энди келади.

Ҳозир бино шакли яратилди, холос. Энди унинг конструкциясини, ҳар битта бўлакнинг қандай материалдан қай шаклда қурилишини лойиҳада ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу эса ўз ўрнида архитектор ва инженерларнинг ҳамкорликда узоқ вақт ишлашларини талаб этади.

Янги комплекс тарихий обидаларни ўз ичига олган ҳолда, ҳатто ҳозир ҳам ўсиб турган қадимий қайрағочни сақлаб қолган ҳолда қад кўтаради. Союзлар уйида ҳар бир союз учун алоҳида шароит яратилган, уларнинг ҳар бирида 100 ўринли суҳбат заллари, турли машғулотлар ўтказиш хонаси, шунингдек, маъмурий хоналари бўлади.

Янги комплекс асосан икки қаватдан иборат. Бу ерда умумий ҳовлидан ҳамма биноларга кириш мумкин.

Ҳар бир ижодий бирлашма ўзига хос ечимга эга. Томоша зали турли шакл ва юзадаги ҳовли ҳамда кўкатларга эга бўлади. Буларнинг ичида энг катта — уч юз ўринли зал композиторлар союзига берилади. Биринчи марта ташкил этилаётган Ўзбекистон театри музейи учун ҳам катта жой ажратилган.

Ижодий бирлашмалар барчага ўз композицияси ва вазифасига биноан марказий ядро-театр ва концерт залига бириктирилган.

Бино марказида умумий залдан ташқари ресторан, бар ва кутубхона бўлади. Буларга бинонинг ички ва ташқи эшикларидан ҳам кириш мумкин. Саҳна жойлашган қисм трапеция шаклида ишланган бўлиб, катта залнинг ён деворлари худди шу улкан трапецияга сиғиниб турғандек кўринади. Бу девор ташқаридан қараганда айрим бўлаклардан йиғилгандек туюлади.

Янги комплекс ҳар бир союз учун алоҳида бинолардан ташкил топган бўлиб, буларнинг ҳар бирига катта эътибор билан қаралмоқда. Қурилиш ва биноларнинг пардозлаш ишларида мозаика, керамика, ганч, нақш, ҳайкаллар, деворлардаги турли ўйиб ишланган безакларидан фойдаланилади.

Бинонинг ташқи деворларидан бирида араб шрифтидаги ёзув йирик қилиб акс эттирилади.

Муаллифларнинг фикрича, бу Алишер Навоийнинг шеърларидан бири бўлиб, бинога шарқ колорити беришда катта восита бўла олади.

Улкан бинони яратишда лойиҳа бош архитектори Андрей Косинский, «Ташгипрогор» лойиҳа институти 3-устахонасининг лойиҳа бош инженери А. Сидельников, лойиҳа бош инженери Ю. Иванников ва шунингдек, муаллифлар коллективи — архитекторлар Л. Ануфриев, А. Косинский, С. Шувалова, Ю. Иванников, устахона раҳбари Ю. Мирошниковлар фаол қатнашмоқдалар.

Янги жамоат биноси замонавий архитектура услубида қурилиб, жуда кўркам бўлади. Иморатлар қурилишида темир-бетон, оқ цемент, мармар, гранит, ойна, алюминий, сирланган сопол кошинлар, пардозланган ёғоч ва шу каби кўркам, қимматбаҳо қурилиш материалларидан фойдаланилади.

Кошона замонавий жиҳозлар билан таъмин этилади. Хоналар ҳаво конденсацияси ускуналари билан таъминланади. Электр, радио, телефон, иситиш системаси комплекснинг ажралмас воситалари бўлиб қолади.

Ижодий союзлар уйини қуриш ишлари яқин вақтлар ичида бошлаб юборилади. Шу кунларда лойиҳа ишлари бажарилянти.

Д. РАҲМОНОВ,
инженер.

Биринчи гулдаста

Ёш шоира Ҳалима Худойбердиева ўзининг «Илк муҳаббат» шеърлар китобини ўқувчиларга тақдим этар экан, уни бир сават мевага қиёс қилибди. Чиндан ҳам, шеърлар шоиранинг шеърият боғида парваришлаб етиштирган турли-туман меваларга ўхшайди. Бу меваларнинг ҳил-ҳил пишганлари, тотлилари билан бир қаторда, авторнинг ўзи эътироф этганидек, ғўрроқ, қиёмига етмаганлари ҳам йўқ эмас. Зероки, бир туп дарахт меваларнинг бир вақтда, бир хилда пишиб етилмаслиги табиий бир ҳолдир.

Шоиранинг шеърий саватидаги тотли мева навларидан бири «Она ер»дир. Она ер, туғилган ўлка ҳақида шеър битмаган ижодкор йўқ деса бўлади. Лекин уларнинг ҳар бири Ватанини ўз кўзи билан кўради, ўз қалби билан ҳис қилади. Ҳалима қуйлаган она ер оддий, табиий:

Қамишзорни кесиб ўтган тик,
Ҳайдалган ер тортар меҳримни...
Ет, довруғли ерлар йўқ ёдда,
Ўзинг қалбга ҳаётбахш, суюк...
Менга олтин кошоналармас,
Қамишзорли бағринг муқаддас.

Дастлаб қараганда, сўнгги сатрлар янгилик эмасдай туюлади. Бу шеърнинг умумий қимматига озмикўпми путур етказсада, оригиналлик бир-икки сатр билан белгиланмайди. Қолаберса, мазкур шеърнинг руҳи, ғоявий йўналиши шундай тугалланмани талаб этарди. Агар «Сабаби сен табиий, содда, табиийлик нақадар буюк», — каби мисралар ҳам образли бўёқлар билан берилганда, шеър янада мукаммаллик ҳосил қилган бўларди. Тўпламдаги «Қайтиш», «Чўл қизиман», «Турналар» ва яна бир қанча шеърлар ҳам оқа ер мавзусидадир. Лекин уларнинг аксарияти ўқувчига қониқиш бермайди.

Қувончлиси шундаки, Ҳалимада шоирона дард бор. У она ер тақдири ҳақида қайғуради, дўстлари бошига тушган кулфат, фожиадан изтироб чекади, «улкан вужуд» — чексиз ер шарининг қайсидир бурчида тўкилаётган қон ташвишлантиради уни.

Шоиранинг бир талай шеърларида ўқувчи излаган нарсасини — ҳис-туйғусини топади ва бу унинг ҳам ҳис-туйғусига айланади. Шотан, шеърнинг бурчи ҳам шу эмасми? Ҳалиманинг болалик, ёшлик ҳақидаги шеърларида, хусусан, «Оқизоқ» шеърида ҳам ана шундай хусусиятлар —юракка ошна туйғулар ўз ифодасини топган. Шеърни ўқир экансиз, беғубор ва беташвиш болалик онлари, сувга оқизилган нонни тўлқинлар суриб кетганда завқланиб ортидан қуғаган, ета олмагач, болаларча соддалик билан лаб тишлаб қолган дамлар кўз олдингизга келади. Йиллар ўтгач, оқизоқ яна юз берди. Лекин бу сафар бошқача. Энди аиҳор тўлқини нонни эмас, балки ҳаёт тўлқини бахт қушини оқизиб кетди. Бу сафар кўзлар ошкора ёш тўкмади, юраклар унсиз йиғлади. Энди унга афсусланиш ҳам болаликдагидек бир лаҳзалик эмас, балки бир умрга ҳамроҳ бўлиб қолади. Шеърда ана шундай фикр олға сурилади. Ҳаёт ҳақида ўйлашга, чуқурроқ мулоҳаза қилишга даъват этади.

Ҳалиманинг яхши шеърлари кўп. Албатта, уларнинг ҳаммасига тўхтаб ўтишнинг иложи йўқ. Энди мажмуадаги айрим қиёмига етмаган шеърлар хусусида фикр билдирмоқчимиз.

Шоиранинг баъзи шеърлари ўқувчида ҳис-ҳаяжон уйғотмайди, дил торларини чертиб утишдан ожиз. Сабаби — у ҳали шоира юрагида дардга, шеърга айланмаган оддий фикрлардир. Тўпламдан анчагина шу савиядаги шеърларнинг жой олганлигини, баёнчилик, ўринсиз ахтиросларга берилиши, образлар, хатто баъзан фикрлаонинг такрорланишини ижобий ҳодиса деб бўлмайди. Ўта оддийлик, фикрларнинг яланғоч, образлар воситасиз берилиши ҳам кўпгина шеърларнинг ғоявий-бадиий мукаммаллигига ҳалал берган.

Қ. КЕНЖАБОЕВ.

---

*). Ҳ. Худойбердиева «Илк муҳаббат» Г. Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент. Редактор— Тулқин.

МОСКВА. Москвадаги ёш томошабинлар театрининг саҳнасида К. Симоновнинг «Прага каштанлари остида» пьесасининг премьераси бўлиб ўтди. Спектаклга Латвия ССР да хизмат кўрсатган артист П. О. Хомский бош режиссёрлик қилган.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш. (Чапдан ўнгга) Божена—артист Е. Маркова, Стефан— артист И. Старыгин, Маша— артист Н. Киндинова, Людвиг — артист В. Платонов.

В. Кузмин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

● Ажойиботлар

СУВ... ЎТОВ

Ёруғ кафе ёки қироатхонада ўтирибсиз. Кўча жазирама иссиқ бўлсада, бу ерда унинг таъсири сезилмайди. Қуёш нурлари эса ўтов гумбазида товус янглиғ товланади. Хўш, бу ўтовга ўхшаш бино қайси материалдан қурилган?

Бу саволга ёш арман мутахассислари архитектор Д. С. Вартанян билан инженер А. М. Бархударян жавоб беришади. Улар сув пардаси билан қопланадиган ажойиб ўтовсимон павильон лойиҳасини таклиф қилдилар.

Установканинг иш принципи содда. Электр моторининг кучли таъсирида марказдан қочма иш ғилдираги ва махсус мослама сувни олдиндан белгиланган айлана бўйича итқитиб, шу оқимдан керакли катталиқдаги гумбаз ҳосил қилади. Махсус ариқчалар орқали қайтган сув яна урилаверади.

Шу ажойиб конструкциянинг муаллифлари ишлаётган «Армсельхозтехника» республика бирлашмасининг лойиҳа конструкторлик бюросида установканинг ишлайдиган модели қурилган. Ереван шаҳар Советининг буюртмасига биноан яқин вақтлар ичида Арманистон пойтахтининг парклари ва хиёбонларида сув ўтовлар «қурила бошлайди».

Р. КАРАГЕЗЯН.
(ТАСС мухбири).
Ереван.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

БРАЗЗАВИЛЬ. Конго Халқ Республикаси пойтахтининг телевидениеси Конго кинематографчила рининг «СССР — Ленин мамлакати» деган кинофильмини кўрсатди. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кунларида конголик операторлар томонидан Совет Иттифоқида суратга олинган бу мароқли ҳужжатли фильм Москва ва Ленинграднинг Ленин номи билан алоқадор жойлари тўғрисида, шунингдек, советлар мамлакатининг ҳозирги куни, Москва, Ленинград ва Ереван шаҳарларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. Фильм текстини Конго меҳнат партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Клод — Эрнест Ндалла ёзиб берган.

(ТАСС).

Софияда ёш опера қўшиқчиларининг тўртинчи халқаро конкурси тугади.

СУРАТДА: жюри раиси Христо Бримбаров иккинчи ўринни эгаллаган совет қўшиқчиси Е. Райковга мукофотни топширмоқда.

БТА— ТАСС фотоси.

МОНОПОЛИЯЛАР ҲУКМРОНЛИГИГА ҚАРШИ

КАРАКАС. Лотин Америкаси транспорт ходимларининг Венесуэла пойтахтида бўлиб ўтган иккинчи конгресси қатнашчилари Лотин Америкасидаги Америка монополияларининг ҳаракатларини кескин қоралашдилар. Улар халқаро валюта фондининг сиёсатига ҳам қарши чиқдилар. Лотин Америкасидаги турли мамлакатлардан келган 150 делегат қабул қилган резолюцияларидан бирида халқаро валюта фонди бераётган қарзлар Лотин Америкаси халқи аҳволини яхшилашга олиб келмаётир, деб таъкидланади. Бу қарзлар маҳаллий ва ажнабий монополияларни янада бойитишга ёрдам бермоқда, холос.

Конгресс қатнашчилари Лотин Америкасининг ҳамма меҳнаткашларига мурожаат қилиб, монополияларга тобе бўлишга хотима бермоқ учун бирлашишга даъват қилдилар. Касаба союзларининг бирлиги, деб таъкидланади баёнотда, қолоқлик ва қашшоқликка қарши. Лотин Америкаси мамлакатлари ишчилар синфининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун курашда кудратли кучдир.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИГА ЛЕНИН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ВАШИНГТОН. ТАСС мухбири А. Меликян хабар беради:

Бутун жаҳонга машҳур олим ва тинчлик учун атоқли курашчи Лайнус Полингга олий мукофот «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти топширилди.

Л. Полингга Ленин мукофотини топширишга бағишланган тантанали маросимда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотлари комитетининг раиси академик Д. В. Скобельцин ҳозир бўлди. У ўз нутқида Полингнинг илм-фан ҳазинасига қўшган, бутун жаҳон эътироф этган ва жаҳон фанининг олтин фондидан абадий жой олган жуда катта ҳиссасини таъкидлаб ўтди.

Лайнус Полинг, деди Д. В. Скобельцин, бутун дунёда жуда катта олим сифатидагина жуда машҳур бўлиб қолмай, илм-фан муваффақиятларидан тинчлик манфаатлари йўлида фойдаланиш учун ҳормай-толмай курашувчи инсон сифатида ҳам машҳурдир.

Лайнус Полинг жавоб нутқида унга юксак шараф билдирилиб, халқаро Ленин мукофоти берилганлиги учун самимий миннатдорчилик изҳор этди.

ДАВЛАТ ИХТИЁРИГА ОЛИНДИ

ЖАЗОИР. Жазоир ҳукумати Сахрои Кабирда нефть қазиб чиқариш билан шуғулланувчи бир қанча анжабий нефть компанияларини давлат ихтиёрига олди.

Давлат ихтиёрига олинган энг каттаси Англия билан Голландиянинг «Шелл» компаниясидир. Бундан ташқари Италия, Ғарбий Германия ва Америка компаниялари Жазоир ҳукумати назорати остига олинди.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгаши раисининг маҳкамаси эълон қилган расмий ахборотда айтилишича, Жазоир ҳукуматининг қарори «мамлакатнинг табиий бойликларини жамият хизматига ўтказиш сиёсатига мос бўлиб тушади».

(ТАСС).

КИТОДАГИ ЖИНОЯТ

ГУАЯКИЛЬ. Эквадор марказий университетининг Китодаги босмахонаси портлатилди. Босмахона бинои, қимматли китоблар ва илмий асарлар бутунлай кулга айланди.

Бу ёвузлик ҳаракати мамлакат тараққийпарвар жамоатчилигини қаттиқ газаблантирди. Университет ректори Мануэль Агустин Агирре бу жиноятни реакция кучлари қилди, деб айтди.

Эквадор компартияси эълон қилган ахборотда мамлакатнинг барча ватанпарвар кучларига мурожаат этиб, демократияни ҳимоя қилишга ва «реакция кирдикорларига кескин зарба беришга» чақирди.

(ТАСС).

ИККИТА ҚУЗҒУН УРИБ ТУШИРИЛДИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлиги вакилининг МЕН агентлиги тарқатган баёнотида айтилишича, Миср зенитчилари Сувайш каналидаги Бирлашган Араб Республикаси қўшинлари позициясига ҳужум қилган Исроилнинг иккита қирувчи бомбардимончи самолётини уриб туширдилар.

(ТАСС).

Кончиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб

ЛОНДОН. Шотландия кончилари касаба союзининг раҳбари Макгэхи Англия шахтёрларининг моддий аҳволи ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилди. Макгэхи Шотландия кончиларининг Ларгседа ўтказилган йиллик конференциясида сўзлаган нутқида касаба союзлари шахтёрларнинг ҳаётий ҳуқуқлари учун қатъият билан курашишлари лозим деб таъкидлади. Шотландия кончилари касаба союзининг раиси мамлакат устидан контролни кучайтираётган монополилар инглиз меҳнаткашларига хавф солаётганлигини таъкидлаб, ҳукумат саноат корчалонларининг манфаатларини халқ манфаатларидан устун қўймоқда, деб уни айблади.

Макгэхи башарти лейбористлар 18 июнда бўладиган парламент сайловидан кейин ҳокимият тепасида қоладиган бўлсалар, АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессив сиёсатидан ўзларини четга олишлари лозим, деб айтди.

(ТАСС).

● ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ ҲАРАКАТДА

„ДЎСТЛИК" ДАРЁСИ ОҚМОҚДА

ДАСТЛАБКИ ЮЗ МИЛЛИОН ТОННА НЕФТЬ ОҚИБ ЎТДИ.

Волга нефтининг Будновци станциясидаги чехословак резервуарларини бундан саккиз йил илгари тўлдирган дастлабки улуши тўққиз минг тонна эди. Ушадан буён бу рақам бирнеча баравар ошиб кетди. Бугунги кунга қадар кардош мамлакатларга Волганинг юз миллион тоннадан ортиқ «қора олтини» оқиб ўтди.

Қуйидаги рақамлар трубопроводнинг иқтисодий фойдасидан аниқ дарак беради. Польшага оқизилган қирқ миллион тонна нефтни темир йўлда ташиш учун кирқ мингдан ортиқ состав керак бўлар эди. Агар мабодо Волга нефтини ГДРга денгиз йўли билан ташилганида бутун бир махсус танкерлик флоти талаб қилинган бўлур эди. Нефтни ер ости магистрали орқали оқизиш эса 70—80 процент арзонга тушади.

Нефть қувури деганда фақат мукаммал техника ва мингларча километр пўлат трубаларнигина эмас, аввало одамларни назарда тутмоқ керак. Булар орасида бундан саккиз йил илгари «Дўстлик» нефтепроводининг бешигини яратганлар ҳам бор. Нефть қувурини ёткизиш билан бирга, уларнинг ўзлари ҳам ўсиб-ўлғайдилар. Валентина Редькина ҳозир смена мастери бўлиб ишлайди. Николай Мишченко билан Казимир Масловскийлар эса оралиқ станцияларида бош механик бўлиб хизмат қилишмоқда. Собиқ лаборантка Валентина Селяева, электрик Олег Кернецкий ва нефтепроводнинг бошқа ўнларча ветеранлари дипломли мутахассислар бўлиб қолишди.

Бирмунча қисми Чехословакия, Венгрия, ГДР ва Польшада тайёрланган ақлли автоматлар магистралдаги барча ишларни таъминламоқда, унумдорлик муттасил ортиб бормоқда. Бундан уч йил илгариёқ участкалардаги иш жараёни лойиҳадаги даражага етган, Броди-Братслава ҳамда Броди-Сазхаломбата участкаларида эса бундан ҳам ошиб кетган эди.

...Буларнинг барчаси ҳақида «Дўстлик» нефтепроводи бошқармасининг бошлиғи инженер П. Белянинов гапириб берди. Бошқарма Львов шаҳрининг қоқ марказидаги кўп қаватли бинога жойлашган. Бизнинг суҳбатимизни телефон қўнғироғи узиб қўйди.

— Диспетчерлик хонасига чақиришяпти, — деди Белянинов ва кетидан юришимни илтимос қилди.

Каттакон хонанинг бурчагида телетайп шиқирлаб ишлаб турибди. Қора пиджак кийган баланд бўйли киши рус ва поляк сўзларини қўшиб, аллаким билан телефонда гаплашяпти. «Навбатчи диспетчер Михаил Чистов» деб таништирди уни Белянинов.

— Марказий диспетчерлик эшитади! Уртоқ Павловский? Салом. Чистов гапиряпти. Шунақами... Тушунарли. Албатта бажарамиз.

— Ҳозиргина Шведт ва Полоцк билан гаплашдим, — деди Чистов Белянинога. — ГДРлик ўртоқлар навбатдаги ўн кунликда нефтни кўпроқ юборишимизни сўрашибди. Планга қўшимча йигирма процент юбора оламиз. Ўтган ойда ҳам шундай қилгандик.

П. Белянинов маъқуллаб бош силкийди ва столда ётган рақамлар билан тўлиқ қоғозларни қўлга олади...

Ҳар икки соатда диспетчерлик хонасига қисқа-қисқа радиограммалар ёзилган телеграф бланкалари келиб туради. Бу нефтепровод участкаларида, насос станцияларида ишнинг қандай бораётганини кўрсатувчи ахборотлардир. Асосий вазифа суткалик план-графикка қатъий амал қилишдир. График поляк, немис, чехословак ва венгер мутахассислари билан келишиб тузилган. Нефть бир лаҳза, камайиб қолса, барча линиялардан тревога сигнали келади. Бу жойга аварня бригадаси етиб боради ва яна иш юришиб кетади. Лекин баъзан анча жиддий ҳолатлар ҳам рўй бериб қолади. Куз кунларидан бирида шундай бўлган эди.

Телефон тўсатдан жиринглаб қолди. Чистовнинг ҳамкасби навбатчи диспетчер Нелли Волгина трубкани кўтариб, «Чехословак станциясида ёнғин чиқди, дарҳол ёрдам беринг» деган хаяжонли сўзларни эшитди. Зум ўтмай, Ужгородга телефон қилиб, «Дарҳол ўт ўчирувчи машиналарни юборинг!» деб хабар қилинди. Бротига эса «Ўт ўчирадиган кўпик порошоклар тайёрлансин» деган сигнал юборилди. Бир неча дақиқа ичида юзларча одам оёққа турди, ўн иккита махсус машина чегарадан ўтиб, ҳодиса рўй берган жойга елиб кетди. Яна бир неча минутдан кейин Львовдан бир неча самолёт ҳавога кўтарилди. Улар аланга чиққан ерга кўпик порошок ва бошқа нарсалар олиб боришди. Қисқа вақт ичида табиий офат бартараф қилинди.

...Львовлик диспетчерлар ер ости магистралининг бир меъёрда ишлаши учун куну-тун навбатчилик қилиб турмоқдалар. Мингларча мураккаб машина ва аппаратлар уларнинг хизматида.

Дастлабки пайтларда авария характерини аниқлаш ва уни дарҳол йўқотиш қийин эди. Кўп вақт талаб қиларди. Энди эса телемеханик системасида ишловчи «Волна» аппарати бу ҳақда ўз вақтида ахборот беради. Қўшни станциядаги махсус аппаратлар унинг сигналини қабул қилиб олади ва нефтепроводнинг ишини автоматик равишда янги режимга солиб юборади. Ҳозирча бундай аппаратлар фақат иккита станцияда ишлайди. Лекин йилнинг охирига бориб, янги система бутун нефтепроводда қўлланиладиган бўлади.

В. ПОПОВ,
АПН мухбири.
Львов.

Исроил ҳарбийларни бирлашган Араб Республикасига нисбатан агрессив ҳатти-ҳаракатларини тўхтатмаётир. Миср нинг кўпгина шаҳарлари, кўплаб кварталлар, уй-жой бинолари, мактаблар, касалхоналар, мачитлар, кинотеатрлар ва бошқа жойлар катта зарар кўрди.

СУРАТДА: Сувайш районларидаги вайрон бўлган бинолар.

К. Дударев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

● МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР

М. БЕЛЕНЬКИЙ, Л. МИНЦ.

Митти авлодлар сири

Бир куни икки дарё ўртасидаги ер осмонида учиб юрган ғалати нарса пайдо бўлиб қолди. Бу албатта, нариги қирғоқдаги «қора кучлар»нинг иши.

Ғалати «темир қуш» қирғоқ яқинидаги текислик устига қўна бошлади.

Камон билан қуролланган жангчилар ўша томонга қараб юра бошладилар. Улар «орхонинг» ерга қўнишини истамас эдилар.

Вертолётнинг оёғи ерга теккан ҳамоно жангчилар камондан ўқ уза бошладилар.

Бу Сепик райони бошлиғининг буйруғи билан икки дарё орасидаги ерга қурилажак бўлган аэродром учун майдон излаб келган полиция сержанти ва бир группа полициячилар ўтирган вертолёт эди.

Сержант М. Поппинс рапортидан:

«... Вертолётдан ташқарига чиқмасимизданоқ бизнинг устимизга ўқ ёй ёмғирдек ёғилиб, вертолётни дўмбира қилиб юборди. Улар бизга қарши ёмон ниятда эдилар.

Менинг буйруғим бўйича полис-бойз люкни очди-да, аввал ўқланмаган заряд билан ўт очди, кейин эса ташқарига чиқиб, қўрқиб коча бошлаган ёввойиларга қарата йирик дробли ўқ билан уларнинг оёғини мўлжалга олди.

Бир неча киши йиқилди, лекин уларни шериклари кўтариб қочабошладилар. Шундай бўлишига қарамай, иккитасини қўлга туширдик. Қўлга тушганларнинг бири оёғидан яраланган бўлиб қон оқиб турар эди, иккинчисида эса ярадорликдан асар ҳам йўқ.

Мен уларни тик турғазишга буйруқ бердим ва суратга олдим. Иккининг бўйи 130 — 140 сантиметрдан ошмас эди. Уларнинг бирдан бир кийими белига осилтириб боғланган ингичка белбоғ, бошларида эса орхидей толаларидан тўқилган оч қизил рангдаги тўрга ўхшаш қалпоқчадан иборат.

Иккининг баданида негрларга ўхшаш белгилар учрамайди. Аниқроғи, улар қизғиш таналн ҳиндиларга ўхшаб кетадилар.

Бизнинг улар билан гаплашиш учун қилган ҳаракатимиз беҳуда кетди. Миттилар тўқ қизғ-ўн яшар боланинг товушига ўхшаш товуш билан чийиллагандек овоз чиқардилар, холос.

Менинг буйруғим билан полис-бойз Енох-Экириха уларнинг ҳар бирига икки ош қошик туз берди».

Митти ярадорлар нинг оёқларидан қон оққан эди. Қонни тўхтатиш учун чайналган барг ва ўргимчак толаларидан малҳам қила бошладилар.

Осмондан тушган «орхо» қўлидаги икки тутқунннинг хотинлари ҳамма безакларини юлиб ташлаб, бетларини тирнаб юбордилар.

Бироз вақт ўтгач, «орхо»дан қутулиш учун қарилар Раму дарёси оша қочишга қарор қилдилар.

Қабиладаги миттиларнинг бирортаси ҳам сузишни билмас эди, чунки улар сувга тушганда тимсоҳга ем бўлиши мумкин эди, лекин миттилар кўприк қуришда ҳар қандай катталардан қолишмас эдилар.

Беш митти кўприк қилиш учун жўнади. Қулай жой ахтариб, охири қирғоқ яқинида мустаҳкам ўрнашган дарахт олдини танлашди. Дарахтнинг пастки шохларини кесиб ташладилар. Бири (энг миттиси) лианани белига ўради. Бир кўли билан йўғон арқонни, иккинчиси билан лианани ушлаб бир хатлаган эди, сув устида осилиб туриб қолди. Бошқалар уни тебрата бошладилар. Охири нариги қирғоқда ўсган шохларни ушлаб олди. Колган ишлар ўз-ўзидан осонгина бажарилди.

Сержант М. Поппинс рапортидан:

«...Улар биздан туз олгач, белбоғларидан ёввойи имбирь илдизларини чиқардилар-да, яқин орадаги банан баргидан юлиб келтирдилар. Кичкина чуқурча қазишди. Банан барглрини эса оловга тутиб сўлитдиларда, бояги чуқурчага ёпиштирдилар. Баргларга сув сепдилар ва ёнига чўққайдилар. Кейин улар имбир илдизини чайнаб, чуқурчага туфлай бошладилар. Устидан биз берган тузни сепиб аралаштирдилар. Чуқурчадаги нарсалар охири қандайдир аралашмага айлангач, тездда уни топ-тоза қилиб қўйдилар. Уларнинг бетида мамнунлик аломати кўриниб турарди, шу билан бирга уларда хавфсираш ҳам сезилиб турарди.

Полис-бойз Енох Экириханинг айтишича, пигмейлар туз сақлашни билмайдилар, шунинг учун уни ўша ондаёқ об кўя қоладилар. Иккала митти овқатланиб бўлгач, яна улар билан гаплашишга уриниб кўрдим. Фойдаси бўлмади. Енох Экириханинг таъкидлашича, бу пигмейларнинг тили шу ерликларнинг тилига мутлақо ўхшамас экан.

Қочиб колган пигмейлар қабиласи қишлоқни ёқиб юборибди, кейин қочишмоқчи бўлган эдилар. Лекин «орхо»лар ёнғинни сезиб қолиши мумкин. Шу туфайли улар уйларнинг томларини бузиб ташлаш билан кифояланиб қўя қолдилар. Кетишга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганди, «орхо» қўлида колган, тирйклар сафидан аллақачон чиқарилган иккн тутқин тўдага келиб қўшилди. Лекин тўдадагилар улардан чекина бошладилар, «орхо» уларнинг руҳини еб қўйган ва уларнинг ўзи энди «орхо»га айланганлар.

Бир неча жангчи қўлида тўқмоғи билан иккала «орхо»ни кутиб олдилар. Саранжомлаб бўлганларидан кейингина ҳамма йўлга тушди.

Сержант М. Поппинс рапортидан:

«... Кечаси асирларни қўриқламадик. Бу атайлаб қилинган бўлиб, асирларимизнинг қочиб кетишини ва биздан кўрқмаслик мумкинлигини қабиладошларига айтишни истаганлик. Улардан бирининг ярадор оёғини шахсан ўзим бинт билан боғлаб қўйган эдим. Эрталаб қочиб кетишибди. Улар турган ерда оёққа боғланган бинт парчалари қолган эди, холос. Бу биз учун қон изидан тушишга омил бўлди. Изма-из қоралаб бориб, икки соатча юрганимиздан кейин, бир қишлоқчага етиб келдик. У ердаги кулбачаларнинг томлари бузилиб ташланган бўлиб, ҳеч қандай жондан нишон кўринмади. Фақат қишлоқнинг ўртасидаги майдонда икки кишининг ўлигига кўзимиз тушди. Чамаси улар тўқмоқ билан ўлдирилган бўлса керак. Уликларнинг дабдала бўлиб ётганидан уларнинг кимлигини аниқлаб бўлмади, фақат тақинчоқлари ҳамда оёғидаги ярасидан улар бизнинг қочоғимиз эканлигини билиб олдик, Менинг буйруғим билан Енох Экириха уч кишини олиб, атрофни тинтиб чиқишди. Ҳеч ким учрамади.

Хулоса: Аэродром қурилиши пайтида ерликларнинг ҳужумидан хавфсирашга ҳожат йўқ. Қароргоҳдаги ҳамма томларнинг бузиб ташланиши, уларнинг бу ерга ҳеч қайтиб келмасликларидан далолат беради.

Хулосалар ва янги муаммолар

Янги гвинеялик пигмейларнинг ҳаёти ва яшаш тарзи бошқа континентлардаги «пигмейларнинг маданият доирасига тамоман ўхшамайди. Африкалик миттилар қишлоқчаларда яшамайдилар, ер ишламайдилар, фақатгина ўрмон неъматлари билан кифояланадилар. Қолган нарсаларни қўшнилари, яъни новча деҳқонлардан алмашиб оладилар.

Янги Гвинея пигмейлари папауас пигмейларидан нима билан фарқ қиладилар? Ҳар ҳолда улар бошқа папауаслар, африкалик пигмейлар ва Филиппин ороллaридаги «негритос» пигмейларига қараганда бўйи ва юзидаги белгилари билан янги гвинеяликларга кўпроқ ўхшаб кетадилар.

1947 йили франциялик этнограф Жюль Детри Юқори Бирма бўйлаб сафар қилди. Планетамизнинг бошқа жойларидаги каби бу ерда ҳам халқ орасида қайсидир ўрмон ичида яшовчи миттилар ҳақидаги афсона тилдан тилга кўчиб юрар эди. Худди бошқа жойлардa учратган ёлғон яшиқлар сингари бу ерда ҳам миттиларнинг бўйини ўта қисқартириб «беш яшар боланинг бўйидан ҳам кичкина» деган гапларни тарқатишган эди.

Жюль Детри ўйдирма ва афсоналарга ишонмай тоғликларнинг тасвирий санъатига оид ишларни ўрганиб юраверади. Бир куни узоқроқ қишлоқдагилар уни ўрмонга бошлаб бордилар. Қишлоқдаги бўйи бир метру ўн сантиметр, аёлларининг бўйи эса ундан ҳам паканароқ халқни ўз кўзи билан биринчи марта кўрган Жюль Детри аввалги вазифасини ҳам унитиб қўйиб, миттилар ҳаётини ўрганишга тамоман шўнғиб кетди. Ахир, бундай бирмалик миттилар фанга ҳали маълум эмас эди-да.

Америка ҳам ўз афсоналаридаги пигмейлар билан қаноатланибгина қолмади.

1859 йилдаёқ штутгорлик олим-антрополог Клаус Федерман Венесуэладаги Токуйо дарёсининг ўрта оқимлари атрофидаги ерда ҳиндиларнинг айман қабиласи борлигини ёзади.

Айманлар 120 сантиметр, аёл айманлар эса бир метрдан ҳам кичик экан. Афсуски, Федерман фотосурат олиш имкониятига эга бўлмаган экан. Шу туфайли дурустгина далил кўрсата олмаган. Федерманнинг рақиблари унинг маълумотларини уйдирмага айлантирдилар.

Аммо, яқинда Колумбия пойтахти Боготадан 700 километр узоқроқда пигмей қабилалари топилиб, кинолентага туширилди. Демак, пигмейлар Америкада ҳам бор экан.

Археологик қазилмаларда пигмейларнинг Сицилияда ҳам бўлгани аниқланди.

Шундай қилиб, пигмейлар ҳақидаги афсона ростга айланди. Кўпчилик олимлар шароитга мослашув натижасида одамларнинг бўйи паканалашиб кетган, деган фикрни қувватладилар. Ҳақиқатдан ҳам миттилар тропик ўрмонларда яшайдилар. У ердаги ҳаддан ортиқ намлик ҳамда қуёш нури етишмаслиги туфайли, кишилар ўсмай қолган ва уларнинг насллари пакана бўлиб туғилаверган.

Париждаги Одам Музейи экспедиция уюштириб, Итури ўрмонларида кўп йил тадқиқот ишларини олиб борди. Уларнинг айтишларига қараганда, пигмейларнинг паканалиги, гавданинг ўсишига бош вазифани бажарувчи гипофиз безларининг бошқачалигидадир. Бу эса, пигмейлар ҳақидаги муаммонинг бошқа томонларини ўрганишга ва уларнинг пакаланлигини тоопик ўрмон ҳамда витаминлар танқислиги билан боғлаганликни тақозо этади.

Одам Музейининг асосчиси, машҳур этнограф, профес с о р Поль Риве палеонтология маълумотларини ўрганиб чиқиб, ҳар қандай жонзод эволюциянинг маълум бир ривожланиш жараёнида гигант ва митти формаларни пайдо қилади, деган хулосага келди. Инсоннинг ривожланиш жараёнида ҳам шундай бўлган бўлиши мумкин.

Ҳ. ШОУМАРОВ.
таржимаси.
(«Вокруг света» журналидан).

Охири. Бошн газетанинг 141, 142 сонларида.

● *Текинхўрлик, ичкиликбозлик ва безориликка шафқат йўқ!*

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун жазоланганлар

△ **Волков** Р. Н. 1946 йилда туғилган. Тошкент тўқимачилик комбинати ч и т г а гул босиш фабрикасининг таҳловчиси. Маст ҳолида ётоқхонада тўполон қилганлиги учун ўн беш суткага қамалди.

△ **Латипов Ф. М.** 1932 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Совети ободонлаштириш бош бошқармасининг махсус қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси. Маст ҳолида жанжал кўтариб хотини — бола-чақасини ҳақорат қилганлиги учун ўн беш суткага қамалди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

△ **Габбасов Р.** 1941 йилда туғилган. 159-қурилиш трести 22-бошқармасининг электр пайвандчиси.

△ **Шишкин Г. В.** 1937 йилда туғилган. Тошкент чўтка фабрикасининг ишчиси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—19|VI да—**Дон Жуан**, 20|VI да—**Риголетто**, 21|VI да—**Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 19|VI да—**Ўгирланган умр**, 20|VI да — **Олтин девор**, 21|VI да— **Шоҳ Эдип**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19|VI да —**Қайнона**, 20|VI да—**Қизбулоқ**.

Кино

19 ИЮНДА

Катта рокировка —«ЧАЙКА» «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Сайҳа — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли; «МОСКВА» (кечқурун).

Ялангоч Маха—(жуфт соатларда). **Австралиялик учун қайлиқ** (тоқ соатларда) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Қора лола—САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Муҳаббатнома — «ВОСТОК» (кечқурун).

Оила бахти—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Халоскорлик —«МОСКВА» (кеч соат 8 яримда).

20 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Катта рокировка — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Саҳро қуёши—(тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қора лола— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббатнома — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Оила бахти—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Халоскорлик— «МОСКВА» (кеч соат 8 яримда).

Дилбарим — (ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 40 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10 яримда бошланади

Дзюдо даҳоси—«ХЕВА».

Сайҳа—ТЕЛЬМАН номли.

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИГА

саҳна ишчилари, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 28 уй.

ТОШКЕНТ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИГА

катта молиячи, катта бухгалтерлар, бухгалтерлар, омборчилар, ҳисобчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент— 106, В. Малясов кўчаси, 2 уй, Телефонлар: 35-21-01, 35-22-01.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БОШ. ҚАРМАСИНИНГ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ СЕРГЕЛИ КОМБИНАТИГА

Бетончилар, арматурачилар, электр монтёрлар, тоғ қазилма бойликлари ускуналарини тузатиш бўйича **слесарлар, электр пайвандчилар**

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—ишбай—мукофотли.

Елгиз кишиларга йўлдош шаҳарча Сергелида ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Сергели посёлкаси, Заречная кўчаси, 3-тупик.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

машинисткалар, декорация монтировкачилари, электр билан ёритувчилар, сантехниклар, билет кассасига кассирлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 34 уй.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

20, 23, 27, 28, 30-июнда

Эрнин ВОҲИДОВ.

«ОЛТИН ДЕВОР»

3 пардали комедия

Спектаклда Ўзбекистон ССР халқ артистлари—Ғани АЪЗАМОВ, Амин ТУРДИЕВ, Сайфи ОЛИМОВ, Сабохон КАРИМОВА, Тўғон ШУКУРОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Томоша зали спектакль вақтида совуқ ҳаво билан таъминланади, ҳарорат 18—20 даража бўлади.

Спектакллар кеч соат 8 да бошланади.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА

20, 21 ИЮНЬ

(Езги театр)

Андижон, Қўқон, Фарғона, Марғилон, Асака ва Тошкентдаги машҳур аскиячилар ўртасида

КАТТА АСКИЯ КЕЧАСИ

Кечада хонанда-созандалар—**Муҳаббат ШАМАЕВА, Илья МАЛЛАЕВ** ва бошқалар қатнашадилар.

Кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ КУРАШ МАЙДОНИДА

20—21 ИЮНЬ

ЎЗБЕКИСТОН ЭСТРАДА ОРКЕСТРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Зулайхо РАҲМАТУЛЛАЕВА.**

АРТИСТЛАР: Науфал ЗОКИРОВ, Эсон ҚАНДОВ, Санда САЙФУДДИНОВА, Саодат ЗОКИРОВА, Малика АҲМЕДОВА, Андрей ПЕТРОВЕЦ.

VI-жаҳон фестивали лауреати Акбар ЮЛДОШЕВ.

Оркестрнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир ЗОКИРОВ.

Оркестрнинг музика раҳбари ва дирижёри Евгений ШИРЯЕВ.

ПРОГРАММАДА:

Ўзбек, рус, тожик, афғон, эрон, ҳинд, араб ва бошқа халқларнинг ашула, музика, рақслари ҳамда совет композиторларининг асарлари.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

29 июнь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрохимия ва тупроқшунослик факультетлари илмий совети кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. С. Эйнисман; «Сув омбори ва суғоришнинг Қашқадарё ўрта қисм тупроғининг сув ва туз режимига таъсири»; деган темада

Диссертация билан институт кутубхонаси (Тошкент область Оржоникидзе, 4) да танишиш мумкин.

30 июнь кундуз соат 2 да Тошкент қишлоқ хўжалик механизация ва ирригацияси инженерлари институтининг илмий совети кенгашида техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Б. Коржавин; Гидротехник иншоотлар ва гидромеханик жиҳозлар сатҳига сув оқимларида шагал оқишининг таъсири ҳақидаги баъзи масалаларни текшириш» деган темада;

В. И. Сидоров; «Пахта териш машиналарининг чидамлилигини ошириш ва технологик парваришини текшириш» деган темада

Диссертация билан институт кутубхонаси (Учительская кўчаси, 39 уйда танишиш мумкин.

30 июнь кундуз соат 3 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетини география фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, бош корпус, В-312 аудитория)да география фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Оразмуродов; «Каспий денгизи туркман қирғоғидаги шаҳар аҳоли пунктлари ривожланишининг асосий проблемалари ва аҳолисининг шаклланиши» деган темада;

Г. Ашуров; «Чакилкалан группа хўжаликлари иқтисослашиш проблемалари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши» деган темада

Диссертацияларлар билан университет кутубхонаси (Куйбишев кўчаси, 10 уй)да танишиш мумкин.

1 июль кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика бўлимининг механика-математика мутахассислиги бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Астрономия тупиги 11 уй) да физика-математика фанлари илмий даражасини олиш учун

А. Аҳмедов; «Ўрта аср Шарқида геометриянн асослаш масалалари» деган темада;

Х. Очилов; «Аналитик функцияларнинг махсус синфлари назариясига оид текширишлар» деган темада

Диссертацияларлар билан Академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси 1 уй)да танишиш мумкин.

1 июль кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг илмий совети (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг конференц зали, Куйбишев кўчаси, 14 уй) да тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Аминов; «Мирзачўл аҳолисининг шаклланиши» (XIX аср охири—XX аср 60 йиллари) деган темада

Диссертация билан академиянинг асосий кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

2 июль кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совети кенгаши (университет кучаси студентлар шаҳарчаси, химфак)да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Г. С. Андрушко; «Баъзи бир адсорбция қилувчи флуоресцент индикаторларини механизм ҳаракатини текшириш ва уларни плюмбометрик ҳамда меркурометрик усуллари бўйича молибден, вольфрам, кўргошин, симоб (I) ларни аниқлашда татбиқ қилиш» деган темада;

А. С. Курбатова; «Гетероген дегидрогенлаш реакцияларида гетероароматик азотоксидлар» деган темада

Диссертациялар билан университет илмий библиотекаси (Студентлар шаҳарчасида танишиш мумкин.

РАДИО

19 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида (ўзбекча). **18.10** Д. Ғажиев. Квартет. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.30** О. Қутуй. «Жўнатилмаган хатлар» радиопостановкаси (ўзбекча). **24.00** Область театрлари артистларининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Кекса музикант». И. Ахвердов ҳикояси асосида радиоинсценировка. **19.30** Рақс куйлари. **20.00** «Гулшан» эстрада оркестрининг концерти (тожикча). **20.50** «Ўрим қахрамонлари» (русча). **21.00** А. Твардовский. «Василий Тёркин». Поэмадан боб. Туғилган кунининг 60 йиллигига (ўзбекча).

ТЕЛЕВИЗОР

20

ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида: 10.00** «Экран хандаси». Кинопрограмма. **10.40** «Тиниқ кўл». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. **12.30** Янгиликлар. **12.45** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Давомли эртак». **13.00** Рангли телевидение. Медицина ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. **13.00** «Улугбек ГУЛОМОВ», Телевизион ҳужжатли фильм. **14.00** «Даугазина». Халқ ансамблининг концерти.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17.00** Телевизион янгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 «Бойчечак». Кичкинтойлар учун программа. **17.40** Болалар учун. Мультфильм. **18.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Тележурнал. **19.00** «Оламга саёҳат». Киносаёҳат. **20.00** Телевизион янгиликлар. **20.15** «Эстрада шинавандалари. сизлар учун». Борис Брейва. **20.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 Янгиликлар. **21.05** Ярим аср йилномаси. Кўп сериали телевизион ҳужжатли фильм. «1939 йил». **22.00** Жанговар қўшиқларимиз». Музикали программа. **23.15** «Вақт» информацион программаси. **23.45** Эфирда «Молодость». «Алло, биз талантларни қидирамиз». **00.30** «Қишлоқ изкуварн». Бадиий фильм. **02.05** Янгиликлар. **02.10** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

12.00 Ўқув кўрсатувлари программаси. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Саноат электроникаси» (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

14.45 Бошқирдистон телевидение студиясининг программаси. **15.45** Янгиликлар. **16.00** Рангли телевидение. «Она ер». **16.30** «Жавобга ҳозирлан». Телевизион спектакль премьераси. **17.30** П. И. Чайковский номидаги IV Халқаро конкурсида. **18.00** Интервидение. Эфирда «Молодость». **19.00** Рангли телевидение. «Иссиқ кун» Телефильм. **19.20** Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 21.00 «Киев йўналишида». Бадиий фильм. **22.35** «Чашма». Халқ оғзаки ижоди программаси.

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси ва шаҳар кинотеатрлари дирекциясн Ғафур Ғулом номли кинотеатр директори М. Қосимовга отаси

Адҳам ҚОСИМОВНИНГ

вафоти туфайли чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент оқшоми 4 бет. 19 ИЮНЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-28-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579

НАШР 3031

Р—00744